

449 - وَعَنْ أَبِي نُجَيْحٍ عَمْرٍو بْنِ عَبْسَةَ - بَفَتْحِ الْعَيْنِ وَالْبَاءِ - السُّلَمِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنْتُ وَأَنَا فِي الْجَاهِلِيَّةِ أَظُنُّ أَنَّ النَّاسَ عَلَى ضَلَالَةٍ، وَأَنَّهُمْ لَيْسُوا عَلَى شَيْءٍ وَهُمْ يَعْبُدُونَ الْأَوْثَانَ، فَسَمِعْتُ بِرَجُلٍ بِمَكَّةَ يُخْبِرُ أَخْبَارًا، فَقَعَدْتُ عَلَى رَاحِلَتِي، فَإِذَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُسْتَخْفِيًا جُرَاءً عَلَيْهِ قَوْمُهُ، فَتَلَطَّفْتُ حَتَّى دَخَلْتُ عَلَيْهِ بِمَكَّةَ، فَقُلْتُ لَهُ: مَا أَنْتَ؟ قَالَ: «أَنَا نَبِيٌّ» قُلْتُ: وَمَا نَبِيٌّ؟ قَالَ: «أُرْسَلَنِي اللَّهُ» فَقُلْتُ: وَبِأَيِّ شَيْءٍ أُرْسَلْتَ؟ قَالَ: «أُرْسَلَنِي بِصِلَةِ الْأَرْحَامِ، وَكَسْرِ الْأَوْثَانِ، وَأَنْ يُوَحِّدَ اللَّهُ لَا يُشْرِكُ بِهِ شَيْءٌ» قُلْتُ: فَمَنْ مَعَكَ عَلَى هَذَا؟ قَالَ: «حُرٌّ وَعَبْدٌ» وَمَعَهُ يَوْمَعِدِ أَبُو بَكْرٍ وَبِلَالٌ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، فَقُلْتُ: إِنِّي مُتَّبِعُكَ، قَالَ: «إِنَّكَ لَنْ تَسْتَطِيعَ ذَلِكَ يَوْمَكَ هَذَا، أَلَا تَرَى حَالِي وَحَالَ النَّاسِ؟ وَلَكِنْ ارْجِعْ إِلَى أَهْلِكَ، فَإِذَا سَمِعْتَ بِي قَدْ ظَهَرْتُ فَأْتِنِي».

قَالَ: فَذَهَبْتُ إِلَى أَهْلِي، وَقَدِمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَدِينَةَ، كُنْتُ فِي أَهْلِي، فَجَعَلْتُ أَخْبِرُ الْأَخْبَارَ، وَأَسْأَلُ النَّاسَ حِينَ قَدِمَ الْمَدِينَةَ حَتَّى قَدِمَ نَفَرٌ مِنْ أَهْلِ الْمَدِينَةَ، فَقُلْتُ: مَا فَعَلَ هَذَا الرَّجُلُ الَّذِي قَدِمَ الْمَدِينَةَ؟ فَقَالُوا: النَّاسُ إِلَيْهِ سِرَاعٌ، وَقَدْ أَرَادَ قَوْمُهُ قَتْلَهُ فَلَمْ يَسْتَطِيعُوا ذَلِكَ، فَقَدِمْتُ الْمَدِينَةَ، فَدَخَلْتُ عَلَيْهِ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَتَعْرِفُنِي؟ قَالَ: «نَعَمْ، أَنْتَ الَّذِي لَقَيْتَنِي بِمَكَّةَ» قَالَ: فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ أَخْبِرْنِي عَمَّا عَلَّمَكَ اللَّهُ وَأَجْهَلُهُ، أَخْبِرْنِي عَنِ الصَّلَاةِ؟ قَالَ: «صَلِّ صَلَاةَ الصُّبْحِ، ثُمَّ أَقْصِرْ عَنِ الصَّلَاةِ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ حَتَّى تَرْتَفِعَ؛ فَإِنَّمَا تَطْلُعُ حِينَ تَطْلُعُ بَيْنَ قَرْنَيْ

شَيْطَانٍ، وَحِينَئِذٍ يَسْجُدُ لَهَا الْكُفَّارُ، ثُمَّ صَلَّى؛ فَإِنَّ الصَّلَاةَ مَشْهُودَةٌ مَحْضُورَةٌ، حَتَّى يَسْتَقِيلَ الظِّلُّ بِالرُّمَحِ، ثُمَّ أَفْصَرَ عَنِ الصَّلَاةِ، فَإِنَّ حِينَئِذٍ تُسَجَّرُ جَهَنَّمُ، فَإِذَا أَقْبَلَ الْفَيْءُ فَصَلِّ؛ فَإِنَّ الصَّلَاةَ مَشْهُودَةٌ مَحْضُورَةٌ حَتَّى تُصَلِّيَ الْعَصْرَ، ثُمَّ أَفْصَرَ عَنِ الصَّلَاةِ حَتَّى تَعْرُبَ الشَّمْسُ؛ فَإِنَّمَا تَعْرُبُ بَيْنَ قَرْنَيْ شَيْطَانٍ، وَحِينَئِذٍ يَسْجُدُ لَهَا الْكُفَّارُ».

قَالَ: فَقُلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ؛ فَأَلُوضُوءُ حَدِيثِي عَنْهُ؟ فَقَالَ: «مَا مِنْكُمْ رَجُلٌ يُقَرِّبُ وَضُوءَهُ، فَيَتَمَضَّمُ وَيَسْتَنْشِقُ فَيَتَنَبَّرُ إِلَّا خَرَّتْ خَطَايَا وَجْهِهِ وَفِيهِ وَحْيَاشِيمِهِ، ثُمَّ إِذَا عَسَلَ وَجْهُهُ كَمَا أَمَرَهُ اللَّهُ إِلَّا خَرَّتْ خَطَايَا وَجْهِهِ مِنْ أَطْرَافِ لِحْيَتِهِ مَعَ الْمَاءِ، ثُمَّ يَغْسِلُ يَدَيْهِ إِلَى الْمِرْفَقَيْنِ إِلَّا خَرَّتْ خَطَايَا يَدَيْهِ مِنْ أَنْامِلِهِ مَعَ الْمَاءِ، ثُمَّ يَمْسَحُ رَأْسَهُ إِلَّا خَرَّتْ خَطَايَا رَأْسِهِ مِنْ أَطْرَافِ شَعْرِهِ مَعَ الْمَاءِ، ثُمَّ يَغْسِلُ قَدَمَيْهِ إِلَى الْكَعْبَيْنِ، إِلَّا خَرَّتْ خَطَايَا رِجْلَيْهِ مِنْ أَنْامِلِهِ مَعَ الْمَاءِ، فَإِنْ هُوَ قَامَ فَصَلَّى، فَحَمِدَ اللَّهُ تَعَالَى، وَآتَى عَلَيْهِ وَبَجَدَهُ بِالَّذِي هُوَ لَهُ أَهْلٌ، وَفَرَعَ قَلْبَهُ لِلَّهِ تَعَالَى إِلَّا أَنْصَرَفَ مِنْ خَطِيئَتِهِ كَهَبِئْتِهِ يَوْمَ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ».

فَحَدَّثَ عَمْرُو بْنُ عَبْسَةَ بِهَذَا الْحَدِيثِ أَبَا أَمَامَةَ صَاحِبَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ لَهُ أَبُو أَمَامَةَ: يَا عَمْرُو بْنُ عَبْسَةَ؛ انْظُرْ مَا تَقُولُ!! فِي مَقَامٍ وَاحِدٍ يُعْطَى هَذَا الرَّجُلُ؟! فَقَالَ عَمْرُو: يَا أَبَا أَمَامَةَ؛ لَقَدْ كَبُرَتْ سَيِّئِي، وَرَقَّ عَظْمِي، وَافْتَرَبَ أَجْلِي، وَمَا بِي حَاجَةٌ أَنْ أَكْذِبَ عَلَى اللَّهِ تَعَالَى، وَلَا عَلَى رَسُولِهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، لَوْ لَمْ أَسْمَعُهُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَّا مَرَّةً أَوْ مَرَّتَيْنِ أَوْ ثَلَاثًا - حَتَّى عَدَّ سَبْعَ مَرَّاتٍ - مَا حَدَّثْتُ أَبَدًا، وَلَكِنِّي سَمِعْتُهُ أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ [832].

قَوْلُهُ: «جُرَاءٌ عَلَيْهِ قَوْمُهُ»: هُوَ بِجِيمٍ مَضْمُومَةٍ وَبِالْمَدِّ عَلَى وَزْنِ عُلَمَاءَ؛ أَيُّ: جَاسِرُونَ مُسْتَطِيلُونَ غَيْرَ هَائِبِينَ، هَذِهِ الرِّوَايَةُ الْمَشْهُورَةُ، وَرَوَاهُ الْحَمِيدِيُّ وَغَيْرُهُ: «جُرَاءٌ عَلَيْهِ» بِكَسْرِ الْحَاءِ الْمُتَهَمَلَةِ، وَقَالَ: مَعْنَاهُ غِضَابُ ذُووِ غَمٍّ وَهَمٍّ، قَدْ عِيلَ صَبْرُهُمْ بِهِ، حَتَّى أَثَّرَ فِي أَجْسَامِهِمْ، مِنْ قَوْلِهِمْ: حَرَى

جَسْمُهُ يَخْرَى: إِذَا تَقَصَّ مِنْ أَلْمٍ أَوْ غَمٍّ وَخَوْهٍ، وَالصَّحِيحُ: أَنَّهُ بِالْجَيْمِ.

وَقَوْلُهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «بَيْنَ قَرْنِي شَيْطَانٍ» أَي: نَاحِيَّتِي رَأْسِهِ، وَالْمُرَادُ: التَّمَثِيلُ، مَعْنَاهُ: أَنَّهُ حَيْثُ يَتَحَرَّكُ الشَّيْطَانُ وَشَيْعَتُهُ، وَيَسَلُّونَ. وَقَوْلُهُ: «بُعْرَبُ وَضُوءُهُ» مَعْنَاهُ: يُخْضِرُ الْمَاءَ الَّذِي يَتَوَضَّأُ بِهِ. وَقَوْلُهُ: «إِلَّا حَرَّتْ حَطَايَاهُ» هُوَ بِالْحَاءِ الْمُعْجَمَةِ: أَي سَقَطَتْ، وَرَوَاهُ بَعْضُهُمْ: «جَرَّتْ» بِالْجَيْمِ، وَالصَّحِيحُ بِالْحَاءِ، وَهُوَ رِوَايَةُ الْجُمْهُورِ. وَقَوْلُهُ: «فَيَسْتَحْرِجُ مَا فِي أَنْفِهِ مِنْ أَدَى، وَالنَّثْرَةُ: طَرْفُ الْأَنْفِ».

449. Абу Нажиҳ Амр ибн Абаса розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Жоҳилиятда одамлар залолатда эдилар, улар ҳеч нарсани билмас, бутларга ибодат қилишарди. Бир киши Маккада ҳар хил гаплар айтяпти деб эшитиб қолдим. Уловимга ўтирдимда, унинг олдига бордим. Қарасам, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам яшириниб юрар, қавмлари эса у зотга нисбатан кескин муносабатда экан. Мен аста бориб, Маккада ҳузурларига кирдим-да, у зотга: «Сен кимсан?» дедим. У зот: «**Мен Набийман**», дедилар. «Набий нима дегани?» дедим. У зот: «**Аллоҳ мени элчи қилиб юборди**», дедилар. «Сени нима учун юборди?», дедим. «**Аллоҳ мени силаи раҳм қилиш, бутларни синдириш ва Аллоҳни бир деб, Унга ҳеч нарсани шерик қилмаслик учун юборди**», дедилар. «Бу йўлда сен билан бирга кимлар бор?» дедим. У зот: «**Бир ҳур, бир қул**», дедилар. Ўша пайтда у зотнинг ёнларида иймон келтирганлардан Абу Бакр ва Билол бор эди. Шунда: «Мен ҳам сенга эргашаман», дедим. У зот шундай дедилар: «**Ҳозир бундай қила олмайсан. Менинг, одамларнинг ҳолини кўрмаяпсанми? Сен уйингга қайтгин-да, менинг зоҳир бўлганимни эшитганингда ҳузуримга келгин**». Уйимга қайтдим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Мадинага келганларида мен уйда эдим. У зот Мадинага келган пайтлари хабар суриштириб, одамлардан сўрашга тушдим. Бир куни ҳузуримга бир неча Мадиналик кишилар келиб қолишди. Мен: «Мадинага келган анави одам нималар қиляпти?» дедим. Улар: «Одамлар унинг ҳузурига серқатнов бўлиб қолишди. Қавми уни ўлдирмоқчи бўлибди, лекин ўлдириша олмабди», дейишди. Мен Мадинага келиб, у зотнинг ҳузурларига кирдим-да, «Эй Аллоҳнинг Расули, мени танияпсизми?» дедим. У зот: «**Ҳа, сен мен билан Маккада учрашган одамсан**», дедилар. Мен: «Ҳа, шундай», дедим. Кейин: «Эй Аллоҳнинг Набийси! Мен билмаган, Аллоҳ сизга ўргатган нарсалардан

менга айтинг. Менга намоз ҳақида айтиб беринг», дедим. У зот шундай дедилар: «**Бомдод намозини ўқи. Кейин қуёш чиқиб, кўтарилиб бўлгунича намоз ўқимай тур, чунки қуёш чиқаётганда шайтоннинг икки шохи орасидан чиқади. Ўша пайтда кофирлар унга сажда қилишади. Кейин то найзанинг сояси йўқолгунча яна намоз ўқийвер, чунки бу намозга шоҳид бўлинади ва ҳозир бўлинади.* Аммо қуёш тиккага келганда намоз ўқимай тур, чунки бу пайтда жаҳаннам қиздирилади. Қачон соя пайдо бўлса, намозни ўқийвер, чунки бу намозга шоҳид бўлинади ва ҳозир бўлинади. Асрни ўқиганингдан кейин қуёш ботгунича намоз ўқимай тур, чунки қуёш шайтоннинг икки шохи орасидан ботади. Ўша пайтда кофирлар унга сажда қилишади**». «Эй Аллоҳнинг Набийси, таҳорат-чи, у ҳақда ҳам айтиб беринг», дедим. У зот шундай дедилар: «**Бирингиз таҳорат сувини олиб, оғиз чайқаса ва бурнига сув олиб қоқса, юзи, оғзи ва бурнининг хатолари тушиб кетади. Сўнгра юзини Аллоҳ буюрганидек ювса, юзининг хатолари сув билан соқолининг учларидан тушиб кетади. Кейин қўлини тирсагигача ювса, қўлининг хатолари сув билан бармоқларидан тушиб кетади. Сўнгра бошига масҳ тортса, бошининг хатолари сув билан сочининг учларидан тушиб кетади. Сўнгра икки оёғини тўпиғигача ювса, оёғининг хатолари сув билан бармоқларидан тушиб кетади. Агар у туриб, намоз ўқиб, Аллоҳга ҳамду сано айтса ва Аллоҳни Ўзига муносиб улуғласа, қалбини фақат Аллоҳга қаратса, худди онасидан туғилган кундагидек хатоларидан халос бўлади**».

Амр ибн Абаса ушбу ҳадисни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари Абу Умомага айтганида Абу Умома унга: «Эй Амр ибн Абаса, ўйлаб гапир! Кишига бир мақомнинг ўзида шунча (мукофот) бериладими?» деди. Шунда Амр деди: «Эй Абу Умома! Ёшим бир жойга бориб, суякларим мўртлашиб, ажалим яқинлашганда Аллоҳга ва Аллоҳнинг Расулига нисбатан ёлғон гапиришнинг менга нима кераги бор? Агар мен буни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан бир, икки ёки уч мартагина – у етти мартагача санади – эшитганимда бу ҳақда асло гапирмас эдим. Лекин мен буни у зотдан бундан ҳам кўп эшитганман».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда беш вақт намознинг вақtlари ҳамда нафл намоз ўқиш мумкин бўлмаган вақtlар батафсил баён қилинмоқда. Уларнинг ҳикматлари ҳам баён қилиниши билан бирга, баъзи бир истиснолар ҳам зикр этилмоқда.

«Албатта, намоз шоҳид бўлинган ва ёзилган бўлур»

Яъни, ўша намозга фаришталар шоҳид бўлурлар ва савобини ёзиб қўюрлар.

Бу Зуҳо намози бўлиб, уни ўқилганда фаришталар ҳозир бўлиб, намоз учун ато этилган ажру мукофотларни ёзишади ва қиёматда гувоҳлик беришади.

Хаттобий раҳматуллоҳи алайҳи:

«Қуёшнинг шайтон шохлари орасидан чиқиши ва жаҳаннамнинг қиздирилиши каби нарсалар ҳис қилиш ва кўриш билан идрок этиб бўлмайдиган нарсалар. Ундоқ нарсаларга иймон келтириш ва улар ҳақида баҳс қилишни тарк этиш лозим», деганлар.

Бундоқ истилоҳлар мажозий бўлишини олдин ҳам ўрганиб чиққанмиз.

Ҳадисдан олинадиган хулосалар:

- Аллоҳнинг манҳажидан чалғиб, шайтон йўлига ўтган уммат ҳеч ким эмасдир, чунки улар залолат ботқоғига ботиб бўлгандирлар. Ушбу сўзга Аллоҳнинг қуйидаги ояти далил бўлади.

«Эй аҳли Китоб, то Тавротга, Инжилга ва сизларга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган барча нарсаларга амал қилмагунингизча, ҳеч қандай нарсада - динда эмассизлар» (Моида сураси, 68-оят).

Жоҳилият даврида яшаганлар Иброҳим ва Исмоил алайҳиссалом олиб келган динни ўзгартириб юборишди. Лекин бир неча нафар кишилар қавмларининг залолатда деб эътиқод қилиб, Иброҳим ва Исмоил алайҳимассаломлардан қолган нарсаларга эргашардилар. Улар ҳанифлар бўлиб, Қисс ибн Соъида Иёдий ва Зайд ибн Амрибн Нуфайллар эди.

- Агар даъватчи заиф ҳолатда бўлиб, шайтон гуруҳи ва тоғут қўшини томонидан келадиган фитнадан қўрқса, даъватини сир ҳолатда олиб бориши жоиз. Шунинг учун Расулуллоҳ с.а.в. Амр ибн Абасани Қурайшнинг зарари этиб қолишидан чўчиб, ўз қавмига исломни олиб бориб, улар орасида ижро қилиб туришини тавсия қилдилар.

- Расулуллоҳ с.а.в.га қавмларидан етган озор ва қай даражада у зотни Диндан тўсганининг баёни.

- Илм аҳлидан дин аҳкомларини сўраш маҳбуб экани.

- Аллоҳ пайғамбарларни миллатни бирлаштириш, Якка Аллоҳга ибодат қилиш, Унга бирор нарсани шерик қилмаслик, тоғутни парчалаш, қариндошлар орасида боғланиб, сўзларини бир жойдан чиқариш учун юборгандир. Миллат бирлашмас экан, сўзлари бир жойдан чиқмайди.

- Абу Бакр Сиддиқ ва Билол розияллоху анҳумоларнинг фазилатлари, бу иккилари энг биринчилардан бўлиб Исломни қабул қилган кишилардир.

- Аҳли илм қийин вазитга тушиб, фитналаниб турган пайтда унинг ҳузурига бормай туриш афзаллиги.

- Аҳли илмларнинг ҳолидан хабардор бўлиб, суриштириб туриш.
- Қуёш чиқаётган пайтда, Қуёш заволга келганида ва Қуёш ботаётганида намоз ўқишнинг кароҳияти.
- Кофирларга ўзини ўхшатиш ҳаромлиги, гарчи ўхшатувчи ўзини ўхшатишни қасд қилмаган бўлса ҳам. Чунки Қуёш ботиб ва чиқишида намоз ўқиётган киши кофирларга ўхшашни қасд қилмади. Шу билан бирга мазкур вақтда намоз ўқиш ман этилган.
- Таҳоратнинг фазилати ва у гуноҳларни кетказиб, каффоротга сабаб бўлиши. Албатта бунда таҳорат буюрилгандек амалга оширилиши керак.

Манба: hadis.islom.uz

